

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2013-ЙИЛ 19-ДЕКАБР, ПАЙШАНБА, 152 (8233)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.

Наманган Вилояти



Хотам МАМАДАЛИЕВ (ЎЗА) олган сурат.

ЁШ ЧАВАНДОЗЛАР

МАКТАБИ

Наманган шаҳридаги ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари от спорти мактаби ўз ўқувчилари билан фахрланса арзийдиган спорт масканларидан.

Зеро, вилоят, мамлакат миқёсидаги мусобақаларда юксак натижаларни қўлга киритаётган ўқувчилар спорт масканида кўп. Бу мактабда қулай шароитга эга ипподром ва зотдор отлар мавжудлиги, малакали мураббийлар эса яратилган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўқувчиларнинг спорт маҳоратини ошириш билан бирга ирода ва матонатини ҳам чиниқтираётгани самарасидир.

«ОБУНА — 2014»



ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАР!

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда кенг қўламда олиб борилаётган ислохотлардан, халқимизнинг бой маънавий мероси, анъаналари ва қадриятларини тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан изчил хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми?

Аграр соҳадаги қимматли тажрибалар, фидойи инсонларнинг ажойиб меҳнат муваффақиятлари, фан-техника, спорт ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ҳақида билишни истайсизми?

Сизни хориж деҳқончилигидаги ўзгаришлар қизиқтирадими?

2014 йил учун «Qishloq hayoti» газетасига обуна бўлсангиз, юқорида таъкидланган мавзулар билан доимий равишда танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Обуна газета тахририяти, обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга оширилмоқда.

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144

Тошкент Вилояти

ОЛИЙ БАХТ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИНИНГ 21 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИЛМОҚДА

Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида барча соҳаларда эришилаётган улкан ютуқ ва марралар, ҳаётимизнинг ободлиги, турмушимиз фаровонлиги, аввало, Ватанимиз мустақиллиги, Бош қомусимизда белгиланган ҳуқуқ ва манфаатларимиз тўла таъминланаётгани туфайлидир.

■ **Исоқбой ДАДАМАТОВ,**
Пискент туманидаги
“Исоқбой Дадаматов”
фермер хўжалиги раҳбари.

Бугун мустақилликнинг ўтган даврига назар ташласак, ким эдигу, ким бўлди деган фикр ҳаёлимиздан кечиши табиий. Собиқ мустабид тузум даврида йиққан-терганимизни “марказ”га топшириб, ўзимиз бировларнинг қўлига қараб қолганимиз, шаънимизга турли бўғону тухматлар ёғилгани, қадримизу қаддимизнинг букилгани ҳали бери эсимиздан чикмайди.

Ўзимдан қиёс: ёзнинг жазирамасию қишнинг совуғида ҳам елкамиздан кетмон тушмасди. Каллаи саҳардан ярим кечагача меҳнат қилсак ҳам косамиз оқармасди.

Агар мамлакатимиз мустақил бўлмаганида, қишлоқ хўжалиги ривожига бугунгидек юксак эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмаганида, бизнинг ҳуқуқ ва эркинликларимизни ҳимоя қиладиган Конституциямиз қабул қилинмаганида мендай бир оддий деҳқоннинг кўксига шамол тегармиди?!

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституция-

си қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини телевизор орқали диққат-эътибор билан эшитдик, газетадан ўқидик. Маърузада иқтисодиётнинг бошқа соҳалари қатори қишлоқ хўжалигида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани алоҳида таъкидланди. Бу – биз, фермерларга билдирилган юксак ишонч ва улкан масъулиятдир.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг дастлабки йилларидан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилиб, давлатимиз томонидан бу фаолият ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

ФЕРМЕРЛАРГА СИФАТЛИ БАНК ХИЗМАТЛАРИ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Фермерлар Кенгаши ҳамкорлигида фермер хўжаликларига кредит ва лизинг хизматлари кўрсатиш масалалари ва истиқболларига бағишланган анжуман ташкил этилди.



Унда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, ернинг ҳақиқий эгасига берилиши – истиқболли фермерлик ҳаракати натижасида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ошди, сифат ва самарадорликда ижобий кўрсаткичларга эришилди. Бугун фермерлар нафақат маҳсулот етиштириш, балки уни қайта ишлаш орқали қишлоққа саноатни олиб киришда ҳам етакчилик қилмоқда. Бу жараёнда, яъни агротехник тадбирларни муддатда ва маромида бажариш, ҳосилни йиғиб олиш, қайта ишлашда фермерларга берилаётган имкониятлар, яратилаётган шароит ва имтиёзлар, кўрсатилаётган хизматлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, тижорат банклари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам бунга ёрқин

мисол бўлади. Биргина жорий йилнинг ўтган даврида тижорат банклари томонидан фермер хўжаликларига галла етиштириш учун 485 миллиард сўм, пахта ҳосили учун 1,5 триллион сўмдан зиёд имтиёзли кредитлар ажратилди. Шунингдек, чорвачиликни ривожлантиришга 224,5 миллиард сўм, паррандачиликка 74,9 миллиард сўм, балиқчилик ва асаларичиликка 22,4 миллиард сўм, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлайдиган минитехнологиялар харид қилишга 60,3 миллиард сўм, иссиқхоналар ташкил этишга 24,4 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилди. Фермерларни замонавий техникалар, турли агрегатлар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш мақсадида кредитлар ҳамда лизинг хизматлари кўрсатиб келинмоқда.

Анжуманда банк хизматлари, хусусан, лизингнинг аҳамияти, қулайлиги хусусида сўз юритилди. Мутахассислар таъкидлашгани-

дек, лизингнинг фермерлар учун афзаллик томони шундаки, фермер хўжалиги лизинг объектини ишлаб чиқариш жараёнига сафарбар этади. Бунда у айланма маблағини сақлаган ҳолда ишлаб чиқариш қўламини ошириш учун замонавий техникага эга бўлади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, лизинг объекти лизинг олувчининг нафақат техникали бўлиши, шунинг баробарида даромади ошишига кафолат бўлмоқда.

Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан деҳқон ва фермер хўжаликларига кўрсатилаётган тезкор, ишончли банк хизматлари ҳамда ажратилаётган кредитлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, пировардида юрт ободлиги, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган устувор вазифалар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса бўлиб кўшилмоқда.

Озод ОЧИЛОВ

ОЛИЙ БАХТ

(Боши 1-саҳифада)

1995 йили ўн гектар ер олиб, фермер хўжалигимизни ташкил этдик. Дастлаб пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экдик. Бугунги кунга келиб хўжалигимиз тасарруфида 125 гектар ер бор. Унинг 114,9 гектарида пахта ва галла етиштироқдамиз. Бундан беш йил муқаддам “Микрокредитбанк”нинг туман филиалидан ажратилган имтиёзли кредит эвазига қаровсиз ётган ўн гектардан зиёд ерда боғ барпо этдик. Бу йил олма дарахтларимиз илк нишона берди. 2013 йилда чорвачилик билан асаларичиликни ҳам йўлга қўйдик.

Хўжалигимизда меҳнат қилаётган 30 нафардан зиёд ишчининг орасида касб-ҳунар коллежларини битирган ёшлар кўпчиликини ташкил қилади. Бугуннинг ёшларига ҳавас қилса арзийди: билимли, дунёқараши кенг, қўлида ҳунари бор. Уларга доим бир гапни айтаман: яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, астойдил меҳнат қилсагина инсон ҳаётда ўз мақсадига етишади. Бунинг учун юртимизда барча шароит муҳайё.

Халқимизнинг “Ерга меҳр берсанг, у ҳам сенга баракасини беради”, деган нақлининг замири-да катта ҳикмат бор. 2013 йил хўжалигимиз учун баракали бўлди. Пахта билан галлани нестнобуд қилмай йиғиб-териб олиб, шартнома мажбуриятини ортиги билан бажардик. Бугуннинг қолганини ишчиларимиз, қишлоғимиздаги кам таъминланган оилаларга тарқатдик. Галладан бўшаган майдонларга сабзавот экиб, унинг асосий қисмини пойтахтимиз бозорларида сотмоқдамиз.

Хўжалигимизда замонавий қишлоқ хўжалик техникасининг деряли барча хили бор, юртимизда ишлаб чиқарилган энгил автомобиллар оиламиз хизматида, меҳнатимизга яраша даромад оляпмиз. Ахир, бир деҳқоннинг ҳаётидан рўшнолик, меҳнатининг роҳати шу эмасми? Собиқ тузум даврида оддий деҳқоннинг машинали бўлишини тасаввур этиш қийин эди.

Ўзбекистонимиз кундан-кун чирой очиб, гўзаллашиб бормоқда, ҳар қадамда бунёдкорлик, яратувчанлик. Осмонимиз мусаффо, бозорларимизда мўл-кўллик, дастурхонимиз тўкин-сочин. Фарзандларимиз бағримизда, соғ-саломат, бахтли. Халқимизнинг бугундан кўнгли тўқ, эртасига ишончи мустаҳкам, эзгу ниятлари, режалари бисёр.

Мамлакатимиз ҳар томонлама раванқ топиб, дунёнинг манамен деган давлатлари қаторидан жой олаётганини кўриб бир севинсак, бундай ўзгаришларга фермер сифатида ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан яна бир қувонамиз. Зеро, Ўзбекистондай жаннатмонанд Ватанда яшаб, эл-юртимизга наф келтириш, унинг қорига яраш бахти – энг олий бахтдир.

(ЎЗА)

Наманган Вилояти

САРА УРУҒ – МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

УЙЧИ ТУМАНИДАГИ «УЙЧИ ПАХТА ТОЗАЛАШ» КОРХОНАСИДА ШУ МАВЗУДА КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ

2014 йил ҳосили учун уруғлик чигитни тозалаш-саралаш, туксизлантириш ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига ҳамда касалликларга қарши курашишга бағишланган анжуманда соҳага оид мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, фермер хўжаликлари вакиллари иштирок этишди.

— Жорий йилда вилоятдаги пахта тозалаш корхоналари томонидан пахтачилик фермер хўжаликларига 4686,2 тонна уруғлик чигити етказиб берилган бўлса, унинг салмоқли қисми мазкур корхона ҳиссасига тўғри келади, — дейди вилоят ЎЗА уруғчилиги бирлашмаси раиси Абдураҳмат Тўйчиев. — Қолаверса, Ўзбекистон ЎЗА селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтига қарашли Қизилравот “Селекционер” тажриба хўжалиги ҳам айнан мазкур туман ҳудудиде фаолият олиб боради. Ана шу жиҳатлар ҳамда туманда пахтачилик соҳасида катта тажриба тўпланганини ҳисобга олиб, семинар учун ушбу заводни танладик.

Семинар иштирокчилари томонидан келгуси йил ҳосили учун гўза навларини жойлаштиришда, энг аввало, уларнинг яқунланган йилдаги ҳосилдорлиги мутахассислар, деҳқон ва фермерларнинг талаблари инобатга олиниб, 1700 тонна тукли ҳолда, 3000 тонна туксиз ҳолда, жами 4700 тонна сараланган, касаллик ва зараркунандаларга қарши самарали кимёвий воситалар билан дориланган уруғлик чигит тайёрлаш белгиланди.

Анжуман қатнашчилари келгуси йил ҳосили учун фермер хўжаликларини сифатли уруғлик чигит билан таъминлаш борасида “Уйчи пахта тозалаш” корхонаси томонидан амалга оширилаётган ишлар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Фарғона Вилояти

ЁШЛАР ИШИ БЎЛДИ

Бувайда туманида фаолият юритаётган “Ханифа-Барака-Текстиль” масъулияти чекланган жамиятида беш хил ўлчамдаги сочиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

55 нафар ёшлар меҳнат қилаётган ушбу корхонада ойига 15-20 тонна сифатли сочиқ ишлаб чиқаришга эришилмоқда. Корхонада келгусида ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва маҳсулот сифатини ошириш борасида ишлар олиб борилмоқда.

“Туркистон-пресс”

Сурғарё Вилояти

ҚИШЛОҚДА ЗАМОНАВИЙ КОРХОНА

Мирзаобод тумани Ҳайдар массивидаги “Республика Мустақиллигининг 20 йиллиги” қишлоғида “Оқолтиндон маҳсулотлари” жамияти томонидан нон ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Уни “Сайхун Озодбек трансфайз” масъулияти чекланган жамиятининг қурувчилари қуриб битказишди.

Корхонада кунига 5 минг дона нон тайёрланиб, аҳолига етказиб берилаётир.

— Аҳолига қулайлик яратиш мақсадида бу ерда нон сотиш

дўкони ҳам очдик, — дейди корхона раҳбари Тўлқин Умматов. — Келажакда фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз. Цехда айна чоғда 11 нафар ёшлар меҳнат

қилишмоқда.

— Ўтган йили янги уйга кўчиб киргандик, — дейди “Республика Мустақиллигининг 20 йиллиги” қишлоғида яшовчи Дилноза Норбўтаева. — Қишлоғимизда нон цехининг ишга туширилгани биз учун айна муддао бўлди. Ҳозирда уйимизнинг ёнгинасидаги ушбу корхонада меҳнат қиялпман.

Замонавий ускуналар билан жиҳозланган корхонада Лола Худоева, Дилноза Норбўтаева, Сардор Умматов, Нилуфар Аввалбоева сингари ишчилар маҳсулот сифатини янада яхшилаш, хари-доргирлигини ошириш мақсадида астойдил меҳнат қилмоқда.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.



ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЎТАДИ

Мамлакатимиздаги тинчлик, осойишталик ва барқарорлик барча соҳалардаги улкан ютуқларимиз, халқимиз фаровонлигининг тобора юксалиши, амалга оширилаётган изчил ислохотларнинг юксак самараларида муҳим омил бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида тинчлик ва осойишталикни, ўзаро аҳилликни, жамоат хавфсизлигини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда мамлакатимизда Янги йил байрамини юқори савияда ва мазмунли нишонлаш, байрам тадбирларини ҳамжиҳатлик билан ўтказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. ЎЗА мухбири Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Раҳмат МАМАТОВ билан бу борада олиб борилаётган ишлар хусусида суҳбатлашди.



– Халқимиз тинчликни юксак қадрлайди, уни ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим кафолати, деб билади, – дейди Р.Маматов. – Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятимизда қарор топган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва баррикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун яшаш тамойили янада мустаҳкамланиб бораётир. Демократик ҳуқуқий давлат асосларининг тобора мустаҳкамланаётгани мамлакатимизнинг ҳар томонлама тараққий этиши, фуқаролар ҳуқуқлари кафолатларининг кучайиши ва амалда таъминланишида муҳим омил бўлмоқда. Шу боис тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, осуда ҳаётни таъминлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, балки ўзини шу муқаддас замин фарзанди деб билган ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи эканини юртдошларимиз чуқур англайди.

Янги йил байрами шуқуҳи кезаётган шаҳар ва қишлоқларимиздаги хотиржамлик ва кўтаринки кайфиятни кўриб, кўз қувонади. Зотан, осойишта ҳаёт, аввало, бу одамлар ўзаро аҳил-иноқ яшаб, яхши кунларини баҳамжиҳат ўтказишидир.

Тинч, осойишта, обод ва фаровон ҳаётни таъминлаш ўз-ўзидан бўлмайдиган, албатта. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ободлик деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, фэйз-баракат ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади. Ҳаётимиздаги ҳар бир улкан воқеа юртимиз бўйлаб тинч, осойишта, юксак савияда ўтишини таъминлаш ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Жумладан, Президент арчаси, Янги йил байрами тадбирларининг юқори савияда, муносиб ва кўтаринки руҳда ўтишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан кенг кўламли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур режага мувофиқ айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар, барча шаҳар ва туманлар марказларида, қишлоқ ва маҳаллаларда, байрам тантаналари ўтадиган ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш, фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш, ёнғин ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш юзасидан алоҳида гуруҳлар иш олиб бормоқда.

Демократик жамиятни шакллантириш жараёнида ҳар бир мамлакат ўзининг шарт-шароитини, халқининг азалий урф-

одат ва анъаналари, турмуш тарзи, маънавий қадриятлари, тарихи ва менталитетини ҳисобга олиб иш юритиши табиий ҳол. Шу маънода, ўзини ўзи бошқариш институтининг ноёб шакли бўлмиш маҳалла ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, мамлакатимизни демократик янгилашга қаратилган ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида, «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 10 мингга яқин фуқаролар йиғини мавжуд. Тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик аввало оиладан, маҳалладан бошланади. Шуни эътиборга олинган ҳолда, ҳар бир қишлоқ, овул, кўрғон ва маҳаллада ички ишлар идоралари ходимлари, профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари, фаоллар, маҳалла оқсоқоллари, таълим-тарбия соҳаси вакиллари иштирокида аҳолини огоҳлик ва ҳушёрликка даъват этувчи уч-рашувлар, маърифий тадбирлар ўтказилаётир. Зотан, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизнинг чегара ҳудудларида ички ишлар идоралари ходимларининг хизмати кучайтирилган тартибда олиб борилиши йўлга қўйилди. Шаҳарлар ва туманлар марказларида ички ишлар идоралари ходимлари ва маҳалла посбонларидан иборат патруль гуруҳларининг ҳушёрлиги ва фаоллиги янада оширилди.

Ички ишлар идораларининг муҳим вазифаларидан бири бўлган фуқароларнинг паспорт-виза қоидаларига амал қилишини таъминлаш борасида фуқароларни доимий ёки вақтинчалик рўйхатдан ўтмасдан яшаш ҳолатларини аниқлаш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мамлакатимиз ҳудудида бўлиш қоидаларига амал қилиши алоҳида назоратга олинган.

Байрамни тинч ва осуда ўтказиш учун жиноят ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни янада кучайтириш, жамоат тартибини сақлаш, жиноят содир этишга мойил шахсларни аниқлаб, уларга жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ижобий профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида «Тозалаш – антитеррор» тезкор-профилактик тадбирлари ўтказилмоқда. Бундай тадбирларда маҳаллий ҳокимликлар, ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотларининг яқин ҳамкорлиги йўлга қўйилган қўл келмоқда. Профилактик ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида маҳаллалар, корхоналар, ташкилотлар ва ўқув муассасаларида учрашувлар ўтказилмоқда.

Байрам тадбирлари ўтказиладиган жойларда ноҳуш ҳолатларнинг юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида маҳаллий ҳокимликлар қошида-

ги оммавий тадбирларни ўтказиш бўйича махсус комиссиялар аъзоларидан иборат гуруҳлар ташкил этилиб, байрам билан боғлиқ барча объектларнинг техник ва ёнғин хавфсизлиги ҳолати атрофлича ўрганиб чиқилмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва транспорт воситалари билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар белгилашиб, изчил амалга оширилмоқда. Байрам иштирокчиларини белгиланган манзилларга олиб бориш, олиб келиш ва кузатишга жалб этиладиган автотранспорт воситаларининг техник ҳолати текширилиб, аниқланган камчиликлар бар-тараф этилмоқда.

Транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш, айниқса, чорраҳаларда тирбандликлар юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида тегишли идоралар билан биргаликда йўл белгилари, шу жумладан, светофорларнинг техник ҳолати ўрганилиб, носозлари янгиларига алмаштирилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ жорий йилнинг 15 декабридан – 2014 йилнинг 15 январигача ўтказиладиган «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

– **Янги йил байрами тадбирлари жараёнида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

– Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Юксак малага ва замонавий техникага эга давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари туну кун эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида хизмат қилмоқда. Янги йил байрамини ёнғин билан боғлиқ турли кўнгилсизликларсиз ўтказиш бўйича қатор чора-тадбирлар олиб боришмоқда. Аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ишлари янада кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига биноан ўтказиладиган Ёнғин хавфсизлиги ойлиги давомида корхона, ташкилотлар, маҳаллалар, ўқув муассасаларида семинарлар, учрашувлар ташкил этилди. Ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида соҳа ходимлари томонидан аҳоли, айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан тушунтириш-тарғибот ишлари олиб борилди. Бу борада кенг жамоатчиликнинг фаол иштироки тадбирлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилаётир. Чун-

ки ёнғин хавфсизлиги масаласи барча идора ва ташкилотлар, маҳалла, қишлоқ, оила, ҳар бир фуқаро фаолияти ва ҳаётига бевосита дахлдордир. Соҳага оид қонунчиликнинг тақомиллаштирилгани ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, «тилсиз ёв»нинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш имконини бераётир. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунида ёнғинларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари, корхоналар ва хўжаликлар, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига алоҳида масъулият юкланган.

Корхона ва ташкилотларда ўтказилган назорат текширувлари натижасида шу кунгача ёнғин чиқиш хавфи бўлган қарийб бир ярим мингга яқин иншоот, цех ва омборларнинг иш фаолияти вақтинчалик тўхтатилди, 11 минг 600 дан зиёд носоз электр мослама, агрегат ва электр тармоқларидан фойдаланиш тақиқланди. Ёнғин хавфсизлиги талабларини кўпол равишда бузган мансабдор шахслар ва фуқароларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Хонадонлар ва кўп қаватли уйларнинг ёнғинга қарши ҳолати текшириб чиқилди. Ушбу йўналишда олиб борилган ишлар натижасида ёнғинлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 256 тага камайди. Бу ёнғин хавфсизлигига оид қоидаларга амал қилиш ҳаёт тарзимизга тобора чуқурроқ кириб бораётганининг яна бири далилидир.

– **Пиротехника воситаларидан фойдаланиш оқибатида келиб чиқадиган кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?**

– Таъкидлаш керакки, пиротехника воситалари тез ёнадиган моддалар, масалан, порохдан тайёрланадиган уларнинг деярли барчаси ёнғин чиқиши нуқтаи назаридан хавфли буюмлар тоифасига киради. Миллий ва халқаро таснифга мувофиқ, пиротехника буюмлари биринчи тоифага мансуб портловчи материаллар ва буюмларнинг алоҳида тоифаларига киритилган.

Мамлакатимизда портловчи ва заҳарли моддаларни ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, реализация қилиш соҳасида хавфсизлигини таъминлашни назорат қилиш ишлари тизимли асосда амалга оширилаётир. «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунда пиротехника воситаларини олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш устидан

самарали давлат назоратини ўрнатиш, уларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши ва ишлатилишининг олдини олиш, пиротехника воситаларини қўллаган ҳолда маданият-томоша тадбирларини ўтказишда хавфсизлик чораларини кучайтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Ушбу қонун пиротехника буюмларининг ноқонуний айланиши ва улардан қонунга хилоф равишда фойдаланишнинг олдини олишга қаратилган давлат назоратини самарали амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга турли маданий тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чораларига риоя этишни таъминлашга хизмат қилаётир.

Афсуски, пиротехника воситаларини қонунга хилоф равишда мамлакатимизга олиб кириш, сотиш ва фойдаланиш ҳолатлари, кам бўлса-да, ҳамон учраб турибди. Шу боис ички ишлар, солиқ идоралари, божхона қўмитаси ва жамоатчилик вакилларида иборат махсус гуруҳлар иштирокида мамлакатимиз ҳудудида пиротехника маҳсулотларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш бўйича тезкор тадбирлар ўтказилмоқда. Бу жараёнда чегара ҳудудларда ҳаракатланаётган автомашина ва йўловчилар, чегаралар яқинида жойлашган дўкон ва савдо расталари, хонадон ва иншоотлар текширувдан ўтказилмоқда.

Мамлакатимизда пиротехника воситалари олиб кирилишига мустаҳкам қонуний тўсиқ қўйилган. Амалга оширилаётган бундай қатъий чора-тадбирлар халқимизнинг саломатлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу ишга муносиб ҳисса қўшиш эса барчамизнинг бурчимиздир.

Янги йил байрамини юқори савияда ўтишини таъминлашга тайёргарлик ишлари қизғин бораётган шу кунларда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигига эътиборни янада кучайтириш, турли ноҳуш ҳодисаларга йўл қўймаслик борасида амалга оширилаётган ишлардан кўзланган мақсад хонадонлар, маҳаллалар, шаҳар ва қишлоқларимизда байрамни тинч-осойишта, кўтаринки кайфиятда ўтишини таъминлашдир. Бу олижаноб мақсад наинки ички ишлар ходимлари, айни чоғда ҳар бир юртдошимиздан янада ҳушёр ва огоҳ, фаол ва ҳамжиҳат бўлишни талаб қилади. Зеро, ҳар доим ҳушёр ва огоҳ бўлиш нафақат байрамлар шуқуҳини, балки кундалик турмушимиз файзу баракасини ҳам оширади.

**ЎЗА мухбири
Бехзод НОРБОЕВ
суҳбатлашди.**

Бизнинг парбиячиларимиз, пабибларимиз,
муаллимларимиз ҳам шу аёлларимиздир.

Абдурауф ФИТРАТ

Фарғона Вилояти



КАСБГА МЕҲР БЕРИБ, МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПИБ

Ёзёвон туманидаги 22-умумтаълим мактабининг бошланғич таълим ўқитувчиси Ўктамхон Солиева мана ўттиз йилдирки, болажонларга “ҳарф ўргатмоқ ранжи” билан яшайди.

Касбига меҳри баланд устоз таълим сифатини ошириш, янги педагогик технологияларни қўллаш бўйича ибратли ишларни амалга оширмакда. У мингдан ортиқ кўргазмаларни кўрган, 500 дан кўп тарқатма материаллар ва юздан зиёд тест жамламаларининг муаллифи. Бу воситалар жажжи болаларнинг дарсларни ўзлаштиришида, уларни фикрлашга ўргатишда, нутқини равланштиришда асос қотмоқда. Шу боис, унинг бу ибратли ишлари ҳамкасбларига ўрнак.

Уч нафар ўғил, бир нафар қизнинг онаси, ибратли оиланинг бекаси, икки нафар ўқитувчи келиннинг қайнонаси Ўктамхон Солиева ишдан бўш вақтларида ижод ҳам қилиб туради. Мақолалар, шеърлар ёзади. Шу вақтга қадар “Шукур қилиб яшайман”, “Садоқат”, “Ишонч-ихлос-холос” (хотиралар) ва “Қуёшли юрт ҳақида дoston” номли китоблари чоп этилган.

Устози изидан бораётган шогирдларидан бири Қобилжон Шерматовнинг “Қишлоқжоним” номли шеърий тўплами 2012 йили Ижод фонди томонидан 20 минг нусхада чоп этилганда Ўктамхон Солиеванинг қувончи ичига сифмади. Ўктамхон Солиева хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш, уларнинг фаоллигини ошириш, маҳаллада, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида Хотин-қизлар қўмитаси билан бирга ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Унинг маҳаллада ҳам ҳурмат баланд. Бунга маҳалла хотин-қизлари ўртасида уч йилдан бери унинг ташаббуси билан ўтказиб келинаётган “Энг яхши қайнона”, “Энг яхши келин” танловлари сабаб бўлиб келмоқда.

Жамиятнинг таянчи бўлган аёлларнинг юртимиз гуллаб-яшнаши йўлидаги фидойи ишларига Ўктамхон опанинг ибратли ишлари мисол бўла олади.

Ҳамиджон БУРҲОНОВ

Қашқадарё Вилояти

ИНСОН МАНФААТЛАРИ МУЖАССАМ

— Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий маданиятини юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгайиб, янги босқичга кўтарилмоқда. Президентимизнинг ташаббуси билан 2014 йилнинг «Соғлом бола йили», деб эълон қилиниши ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

Бу Республика шошилинч тез тиббий ёрдам Қашқадарё филиали Шаҳрисабз субфилиали шифокори Дилором Саъдиевнинг дил сўзларидир.

Эл саломатлигини сақлашдек эзгу мақсадни дилига туғиб, неча йилдирки беморларга келаётган Дилором Саъдиева ўз касбининг фидойиси.

— Соҳага қаратилаётган эътиборни фаолиятимизда ҳар куни ҳис этамиз, — дейди Дилором Саъдиева. — Шифоҳонамиз замонавий кардиограмма, эхо-кардиограмма, ультратовуш диагностикаси, ЭФГДС сингари Япониядан келтирилган ошқозон, ичак тизимини кўрувчи рентген аппаратлари, лаборатория жиҳозлари билан тўлиқ таъминланди. Бу зиммамиздаги масъулиятни янада ошириб, мунтазам ўқиш, изланишга ундамоқда. Турмуш



ўртоғим Кенжа Саъдиев, қизим Маржона ҳам шифокор эмасми, кези келганда, улар билан ҳам маслаҳатлашишга тўғри келади. Оиламиз — шифокорлар оиласи. Мен бундан фахрланаман.

Ҳа, айнан шу фахрланиш хисси Дилором Саъдиевани янада шижоат билан, фидойилик билан ишлашга ундаса, не ажаб. Энг муҳими, унинг меҳнати ҳамкасбларига ибрат бўлмоқда. Биз унинг ҳамкасблари, шогирдлари, беморлар билан суҳбатлашиб, бунга яна бир бор амин бўлдик.

— Шифокорнинг энг аввало, ширин сўзи, очиқ чехраси қалбимизга малҳам бўлди, — дейди Саноат Фоипова. — Ушбу масканга юрак хуружи ташхиси билан келган эдим. Дилором Саъдиева ва унинг ҳамкасбларидан керакли муолажаларни олиб, соғайиб уйга қайтаман.

Тиббий масканда Матлуба

Исломиддинова, Дилором Хўжақулвалар сингари беморлардан ҳам мана шундай самимий дил изҳорларини эшитдик.

— Дилором опа тажрибали шифокор — дейди Саодат Тошмуродова. — Камтар, очикўнгил устозимизни беморлар “Қўли энгил шифокор”, деб эъзозлаганда ҳавас қиламиз.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, эришилаётган ютуқлардан дилимиз янада равшанлашади, қалбимиз ғурурга тўлади, — дейди Дилором Саъдиева. — Келгуси йилда ҳам тиббиёт соҳасини янада тараққий эттириш асосий вазифалардан этиб белгилангани эса келажакка қаратилган эътиборнинг ёрқин далилидир. Буларнинг барчасида инсон омили, унинг манфаатлари, келажакимиз ворисларини баркамол этиб вояга етказишдек эзгу мақсад муҳим ҳиссаси бўлади.

Хусан ТЕМИРОВ

Навоий Вилояти

ФАОЛ, ФИДОЙИ, ТАШАББУСКОР

АЁЛЛАР ЖАМИЯТ РАВНАҶИ, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИГА МУНОСИБ УЛУШ ҚЎШМОҚДАЛАР

Бугун жамият тараққиёти, равнақи йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишларда аёлларнинг ҳам хиссаси олиб бормоқда. Навоий педагогика ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Гулчехра Рўзиева ана шундай ташаббускор, фаол ва фидойи аёллардан бири. У ўқувчилари қалбига илм зиёсини таратиш борасида тиним билмайди. Ўз устида доим изланади. У таълим берган минглаб ёшлар бугун ҳаётда ўзларининг муносиб ўринларини топиб, турли жабҳаларда меҳнат қилаётир.

— Таълим муассасамизда 1954 нафар ўқувчи таҳсил олмақда, — дейди Гулчехра Рўзиева. — Шундан ўқувчи-қизлар 1581 нафарни ташкил этади. 184 нафар ўқитувчи-педагогларнинг 160 нафари хотин-қизлардир. Ўқувчи-қизлар таълим-тарбия жараёнини янада кучайтириш ва доимо назоратда олиб бориш мақсадида масканимизда ишчи гуруҳ ташкил этилган. Ушбу ишчи гуруҳ томонидан ўқувчи-қизларнинг дарсларга қатнашиши, дарсдан бўш вақтларини мазмунли ўтказиши таҳлил этилади. Хотин-қизлар ўртасида соғлом муҳитни шакллантириш, жумладан, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, айниқса, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақ-

садида ташкил этилган давра суҳбатлари, викториналарда вилоят, туман прокуратураси, ИИБ, тиббиёт ходимлари ҳамда маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорлик қиламиз.

Гулчехра Рўзиеванинг ташаббуси билан жорий йилда ҳам кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил этилди, уларда ўқувчи-қизлар фаол иштирок этди. Шунингдек, у раҳбарлик қилаётган «Ораста қизлар» тўғарагида ёшларни миллий ва умуминсоний ғоялар руҳида камол топтириш, соғлом турмуш тарзи ғояларини кенг тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Гулчехра Рўзиева, аввало, истеъдодли ўқитувчи, ёшларнинг севимли устози, — дейди коллеж директори



Ў.Орипов. — У “Педагогик технология асослари”, “Педагогика фанидан дидактик кўргазмалар тавсиялар”, “Умумий педагогикадан мустақил ишлар”, “Тестлар банки”, “Шарқона одоб-ахлоқ” мавзусини ёритишга доир услубий қўлланмалар муаллифи. 2009-2010 ўқув йилида унинг иш тажрибаси республика миқёсида оммалаштирилди. Шунингдек, унинг шогирдла-

ри туман, вилоят, республика кўрик-танловларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Дарвоқе, моҳир ўқитувчи, ажойиб ташкилотчи Гулчехра Рўзиеванинг истеъдодли шогирдлари кўп. Улардан бири Лайло Орзиева “Қонунга итоат-ҳаётий меъёр” кўрик-танловининг вилоят босқичида фаол иштирок этиб, “Санъатнинг сеҳрли дунёси” йўналишида 1-ўринни эгаллади, мазкур кўрик-танловнинг “Ўқув жараёни” йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 1-даражали дипломи билан тақдирланди. Лайло Орзиева Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлди. Яна бир гуруҳ шогирдлари “Барҳаёт анъаналар” кўрик-танловининг вилоят босқичида ғолиб чиқишди.

— Ҳар бир ишимизда эътиборни кўриб турибмиз, — дейди Гулчехра Рўзиева. — Шу боис, унга муносиб жавоб беришимиз, фаол ва ташаббускор бўлишимиз зарур.

Ёш авлод қалбига зиё улашиб, таълим-тарбия жараёнида, жамоатчилик ишларида фаол, ташаббускор Гулчехра Рўзиева ана шундай эзгу мақсад билан меҳнат қилмоқда.

Абдурауф САТТОНОВ

▽ ВАТАН ҲИМОЯСИ – МУҚАДДАС БУРЧ

МАРД ЎФИЛ КЕЛТИРГАН ШАРАФ



Аскар ЕКУБОВ (ЎЗА) олган сурат.

Бу хушxabар Жағалбойли қишлоғига бир зумда тарқалди. Фахриддинга ҳавас қилган, ҳарбий бўлишни кўнглига туккан йигитлар унинг уйига келиб, ота-онаси, яқинларини табриклади.

...Фахриддин Абдуллаев болалигидан ҳарбийликка ҳавасманд эди. Болалик орзулари йиллар ўтгани сайин аниқ мақсадга айланди. Шу боис у ўрта мактабни тамомлагач, муддатли ҳарбий хизматга отланди. 2008 йили Чирчиқ Олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртини имтиёзли диплом билан тамомлади. Айни пайтда Мудофаа вазирлигига қарашли ҳарбий қисмда взвод командири.

Президентимиз раҳнамолигида Ватанимиз хавфсизлигини, халқимизнинг осойишталигини таъминлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган низолар, ҳарбий қарама-қаршилик ва можаролар, терроризм хуружлари халқаро хавфсизликка жиддий таҳдид солаётди. Мамлакатимиз осойишталигига раҳна солиши мумкин бўлган ана шундай хавф-хатарларни ҳар томонлама таҳлил этиш асосида Куролли Кучларимизнинг салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришга қаратилаётган эътибор ўзининг улкан самараларини бермоқда.

Истиқлол ҳар бир йигитга ўз Ватанида, ўзининг миллий армиясида хизмат қилиш имконини бер-

ди. Бугун қайси ота-она билан гаплашманг, фарзандини армияга юбориш ниятида эканини фахр билан тилга олади. Чунки улар армияда аскарнинг қандай шарт-шароитда хизмат қилаётгани, муддатли ҳарбий хизмат давомида жисмоний, ақлий ва интеллектуал салоҳияти янада юксалишини, хизматни ўтаб қайтган ўғли ўқиш ёки ишга киришда кўплаб имтиёзларга эга бўлишини яхши билади.

– Миллий армиямизда хизмат қилиш ҳар бир йигит учун улкан шарафга айланди, – дейди капитан Фахриддин Абдуллаев. – Ўзим ҳам ҳарбий касбни танлаганимдан фахрланаман. Бу кишига улкан масъулият ҳам юклайди. Негаки, ҳарбий хизматчи ҳар доим одамларнинг назарида бўлади. Кўпчилик унга ҳавас билан қарайди, ундан ўрнак олишга ҳаракат қилади.

Жисмоний тарбия ва спорт ҳарбий хизматда муҳим ўрин тутади. Бунинг амалдаги рўёбини Фахриддиннинг муваффақиятлари мисолида кўриш мумкин. У ҳарбий уч кураш бўйича йирик мусобақаларда бир неча бор зафар кучган.

Ф.Абдуллаев 2010 йилда Президентимиз ташаббуси билан

Куролли Кучларимиз тизимида ташкил этилган “Энг илғор мутахассис” кўрик-танловининг мамлакат босқичида “Энг илғор гуруҳ командири”, 2012 йилда “Энг илғор взвод командири” номинацияларида биринчи ўринни эгаллаган. Фахриддинга бугун кўпчилик сафдошлари ва ҳамкасблари ҳавас қилади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда мард ва жасур, Ватанга садоқатли, эл-юрт хизматида камарбаста инсонлар юртимизни янада тараққий эттириши, унинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлашда фидойилик кўрсатиб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таъсис этилган «Мардлик» ордени ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан ана шундай инсонларни тақдирлашга қаратилган. 2012 йил 11 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ “Мардлик” ордени билан ўзини Ватанни ҳимоя қилиш ва юрт хизматида бағишлаган, мардлик ҳамда жасурат кўрсатган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланади.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2013 йил 23 августдаги фармонида мувофиқ капитан Фахриддин Абдуллаев ҳам “Мардлик” ордени билан тақдирланган.

– Давлатимиз раҳбари ҳар йили Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригида биз, ҳарбийларнинг масъулиятли ва шарафли хизматимизни алоҳида эътироф этиб, бундан буён ҳам юртимиз тинчлигини ишончли ҳимоя қилиш, замонавий ҳарбий техника ва қурол-яроғларни мукамал ўрганиб, уларни қўллаш сирларини пухта ўзлаштиришимиз, ҳарбий санъатни ҳамisha муваффақият билан амалиётга татбиқ этиш билан бирга, маънавий етук бўлишимиз зарурлигини таъкидлайди, – дейди “Мардлик” ордени соҳиби, капитан Ф.Абдуллаев. – Бу юксак мукофот юртимиз тинчлиги учун фидокорона хизмат қилаётган барча ҳамкасбларимга кўрсатилган юксак рағбат, билдирилган олий ишончдир.

...Бугун Самарқанд вилояти Пастдарғом туманидаги Жағалбойли қишлоғида Аслиддин ака Абдуллаев ва Гулистон опа Отақуловага кўпчилик ҳавас қилади. Уларнинг ўғли Фахриддин ҳарбийликни танлаб нафақат эл-юртимиз осойишталигига ҳисса қўшмоқда, балки муваффақиятлари билан ота-онаси кўксини тоғдек кўтармоқда, Ватани олдидаги фарзандлик бурчини шараф билан адо этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.



«ТИЛСИЗ ЁВ»ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Оловни бежиз «тилсиз ёв» дейишмайди. Айниқса, ҳозиргидек қиш-қировли кунларда электр иситиш мосламаларини назоратсиз қолдириш оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аксарият ёнғинлар фуқароларнинг турар-жойларида содир бўлиб, уларнинг сабаблари ҳам кўпинча бир-бирига ўхшаш, яъни электр ўтказгич ҳамда уйлардаги мўриконларнинг носозлиги, коммуникация воситаларининг эскириб қолганлиги, фуқароларнинг белгиланмаган жойларда тамаки чекиши, очиқ оловдан фойдаланиши, газни ёқилган ҳолда ҳамда болаларни назоратсиз қолдирилиши оқибатида келиб чиқиши кузатишмоқда.

Ёнғин – фалокат дегани. Ёнғинлар кўпинча катта миқдорда моддий зарар етказиши, баъзан одамларнинг бевақт ўлимига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун уларнинг олдини олиш ҳар бир кишининг инсонийлик ва фуқаролик бурчидир.

“Тилсиз ёв” – оловдан эҳтиёт бўлайлик. Хушёрликни унутмай, ҳамisha ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилайлик.

Б.СОБИРОВ,
12-ҲЕҲО катта инспектори.

ЁНҒИННИ ЎЧИРИШДАН КЎРА...

Келиб чиқиш сабаби ва жойидан қатъи назар, содир бўладиган ёнғинлар ҳамма вақт оғир фалокатлардан бири бўлиб келган.

Озгина бепарволик, лоқайдлик, эътиборсизлик бор жойга ёнғин бўй кўрсатиб келаверади. Электр симларининг қисқа туташуви, ўчмаган сигарета қолдири, қаровсиз қолган болалар шўхлиги, телевизорни, дазмолни ўчирмаслик ва бошқа сабаблар юз бераётган ёнғинларнинг асосий сабабларидандир. Бундай эътиборсизлик кўплаб кўнгилсиз ҳолларга олиб келади.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш фақат ёнғин хавфсизлиги хизматининг эмас, балки ҳар биримизнинг вазифамиздир. Бунинг учун эса, ҳар бир одам ўз масъулиятини чуқур англаши ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиши зарур. Носоз электр мосламаси ёки маиший техникани таъмирлаш, тез ёнадиган материалларни иситиш қурилмаларидан узоқроқда сақлаш каби ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилса, кўплаб фожиали ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди. Чунки ёнғинни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш афзалдир.

Н.ЭРМЕКОВ,
12-ҲЕҲО кичик инспектори.

ЛОҚАЙДЛИК ТАШВИШ КЕЛТИРАДИ

Халқимизнинг асрлар давомида сайқаланган нақллари кўп. Жумладан, фалокат қош билан қовоқ ўртасида дейилди. Бунинг маъноси шуки, озгина эҳтиётсизлик оқибатида ҳам катта муаммолар келиб чиқиши мумкин.

Қош билан қовоқнинг ораси қанча? Бир энлик ҳам чиқмайди. Эҳтиётсизлик оқибатида бир киприк қоққулик муддатда ҳам фалокат рўй бериши мумкин.

Ёнғин ҳам шундай офатлардан биридир. Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил этиб чиқадиган бўлсак, аксарият ҳолларда бундай офатларга ўзимизнинг бефарқлигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслигимиз оқибатида юзага келаётганлигига амин бўламиз.

Шу боис, ҳар биримиз диққатимизни оширишимиз, лоқайд бўлмаслигимиз лозим. Ана шундагина кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинади, турмушимиз эса фаровон, ҳаётимиз осойишта бўлади.

О.ШОДИЕВ,
Шайхонтохур тумани ЁХБ смена бошлиғи, капитан.

ФАРМБОЗОР ИМКОНИЯТЛАРИ

